

**«Тасдиқлайман»
«Ўзтрансгаз» Акциядорлик компанияси
Бошқарув раиси**


Ш.Н.Махмудов
«02» 09 2016 й.


**“Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали келиб тушган мурожаатларни қабул қилиш ва ижросини таъминлаш”
РЕГЛАМЕНТИ**

1. Хизматлар тавсифи (паспорти)

1.1 . Хизматларни номланиши

Ягона интерактив давлат хизматлари портали (Ягона портал) орқали мурожаатларни юбориш.

1.2. Асосий тушунчалар

Газ – конлардан қазиб олинadиган, табиий, нефть гази (қўшимча), газ ва нефтни қайта ишловчи корхоналар томонидан ишлаб чиқариладиган, фойдаланишга мўлжалланган ёқилғи ёки хом-ашё;

Газ таъминоти корхонаси – газнинг истеъмолчиларга тақсимланишини, узатилишини ва истеъмолчиларга газ етказиб берилишини таъминловчи ташкилот;

Етказиб берувчи – газнинг эгаси ёки уни истеъмолчига қадар етказиб беришга масъул;

Газ етказиб бериш шартномаси – етказибберувчи ва истеъмолчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари бўйича тузиладиган меъёрий ҳужжат;

Истеъмолчи – корхоналар, ташкилотлар, муассасалар, табиий газдан ёқилғи ёки хом ашё сифатида фойдаланувчи жисмоний шахслар ҳамда аҳоли.

1.3. Ҳуқуқий асослар

- Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонуни. 2014 йил 3 декабрь;
- “Ўзбекнефтгаз” МХКнинг 2015 йил 30 январдаги“”Ўзбекнефтгаз” МХК ва унинг тасарруфидаги компаниялар ва ташкилотларда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари бўйича иш юритиш тартибини тасдиқлаш тўғрисида”ги 19-сонли буйруғи.

1.4. Мурожаатларни турлари

Ариза – ҳуқуқларни, эркинликларни ва қонуний манфаатларни амалга оширишда ёрда кўрсати тўғрисидаги илтимос баён этилган мурожаат;

Таклиф – давлат ва жамият фаолиятини такомиллаштиришга доир тавсияларни ўз ичига олган мурожаат;

Шикоят – бузилган ҳуқуқларни, эркинликларни тиклаш ва қонуний манфаатларни ҳисоя қилиш тўғрисидаги талаб баён этилган мурожаат.

1.5. Мурожаатларни ҳолати

Ягона порталда мурожаатни ҳолати бўйича кузатиб бориш имконияти.

2. Мурожаатларни кўриб чиқиш

2.1. мурожаатларни жойида кўриб чиқиш

Мурожаат компания тасарруфидаги корхона ва ташкилотлар фаолиятига алоқадор бўлиб, уни жойида ўрганмасдан туриб ҳал қилишнинг имконияти бўлмаган ёки юқори идораларнинг мурожаатни жойида ўрганиш ҳақидаги топшириғи бўлган ҳолларда мурожаатни жойида ўрганиш мақсадида, компания мутахассис(лар)и корхона ва ташкилотларга хизмат сафарига юборилади.

2.2. мурожаатларни жойига чиқмасдан кўриб чиқиш

Мурожаат компания тасарруфидаги корхона ва ташкилотлар фаолиятга алоқадор бўлиб, уни жойига чиқмасдан туриб ҳал қилишнинг имконияти бўлган ҳолларда мурожаатдаги ҳолатлар юзасидан ўрганиш ўтказиш, натижаси юзасидан маълумот бериш шarti билан корхона ва ташкилотнинг ўзига юбориш йўли билан амалга оширилади.

3. Назорат қилиш

3.1. мурожаатларни кўриб чиқиш муддати

Мурожаатлар компанияга келиб тушган кундан бошлаб бир ой ичида, қўшимча ўрганиш ва текширишлар талаб этилмайдиган ҳолларда 15 кун ичида кўриб чиқилади.

3.2. қоникарсиз хизматлар бўйича шикоят

Ҳар бир истеъмолчи мурожаат учун олган жавобдан қоникмаган ҳолда Қонунда белгиланган тартибда шикоят қилиш ҳуқуқига эга.